

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти

«Давлат кадастрлари» кафедраси

«Ер мониторинги» фани

МАВЗУ:
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДА ЕР
МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Маърузачи: катта ўқитувчи Ш.Норбоев

Тошкент - 2018

МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДА ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

РЕЖА

- 1. Тайёргарлик ишлари.*
- 2. Дала тадқиқотлари даври.*
- 3. Лаборатория – камерал ишлар.*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕРЛАРИ МОНИТОРИНГИ

МАҚСАДИ

- ✘ Қишлоқ хўжалиги ерлари мониторингининг асосий мақсади уларнинг ҳозирги ҳолатини, юз бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш, бу ўзгаришларнинг характерини ва уларнинг тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва улар оқибатларини бартараф этиш бўйича тадбирлар, тупроқлардан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕРЛАРИ МОНИТОРИНГИ БОСҚИЧЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги тизимини ташкил қилиш ва мониторингни юритиш ишлари уч боскичда амалга оширилади:

- ✘ *Тайёргарлик ишлари;*
- ✘ *дала тадқиқотлари даври;*
- ✘ *лабаратория – камерал ишлар.*

Атамалар ва тушунчалар

Калит майдони — танланган табиий ва қишлоқ хўжалиги ландшафти учун типик бўлган тупроқ хилида (тупроқ доминантида) жойлаштирилган, ҳажми 100 гектар бўлган майдонча.

Полигон - танланган табиий зона учун типик бўлган табиий озуқабоп ўсимликлар қопламига эга майдон.

Трансекта — ўсимликлар қопламларини ва улар ҳосилдорлигини тавсифлаш учун танланган, ўлчами 50x100м бўлган майдон.

Эталон майдонча - бирламчи - туб ўсимликлар қопламларига эга бўлган ёки танланган экологик шароитларда қарийиб 100 йил мобайнида антропоген таъсир бўлмаган ҳолларда шаклланган ўсимликлар қопламларига эга майдон.

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ

- ✘ Тупроқ мониторингини ташкил этиш ва калит майдонлар тизимини жойлаштириш мақсадида тайёргарлик босқичида қуйидаги ишлар бажарилади:
- ✘ Тупроқ, тупроқ-мелиоратив, тупроқ-эрозия ишлари бўйича ўтган давр мобайнида бажарилган изланишлар, лаборатория тадқиқотлари маълумотлари ҳисобга олинади, умумлаштирилади, тахлил қилинади.
- ✘ Икки ва ундан ортиқ тур изланишлар маълумотлари мавжуд ҳолларда кўп тарқалган тупроқларни танлашда устиворлик йирикрок миқёсли бажарилган текширув ишларига берилади. Агарда улар тенг қийматли бўлса афзаллик замонавийларига берилади.

Калит майдонларини танлаш ушбу ҳудуднинг геоморфологик тузилишини ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилишини эътиборга олган ҳолда тупроқ-иқлимий районлаштирилиши асосида қуйидаги ерлар учун танланиши лозим:

а) сугориладиган ҳайдалма ерлар (илгари сугорилиб ҳозирда ташлаб қўйилган буз ерлар билан);

б) лалмикор ҳайдалма ерлар (илгари галла экилган бўз ерлар билан);

в) табиий пичанзорлар (яйловлар).

Тупроқ хилларнинг тарқалиш майдонларини кўрсатувчи манъба сифатида тупроқ хариталари ва уларга илова қилинган тушунтириш хатлари хизмат қилади.

Энг кўп тарқалган тупроқ хили (доминант) маълумотлари уларнинг умумий майдонлари ва салмоғи кўрсатилган ҳолда ҳар бир ер тури бўйича жадвалга киритилади.

Тупроқ параметрларининг йўналиши ва жадаллигининг вақт мобайнида табиий-тарихий ривожланиш ва инсон таъсирида ўзгаришларини аниқлаш учун ҳар бир энг кўп тарқалган тупроқ хили бўйича, олдинги йилларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида тузилган тупроқ карталари, картограммалар, тушунтириш хатлари ва бошқалар тўпланади.

Ҳар бир табиий-маъмурий бирлик учун тупроқ маълумотларининг умумлаштирилган ва тахлил қилинган натижалари бўйича режа асосида тушунтириш хати тузилади (*муқаддима, қисқача умумлаштириш ва маълумотларни тахлил қилиш услуби, табиий шароитлари, ҳудудни тупроқ-иқлимий районлаштириш, илгариги даврларда ўтказилган тадқиқотлар материаллари билан нисбий солиштирилган ҳолда доминант тупроқлар тавсифи, хулоса*).

ДАЛА ТАДҚИҚОТЛАРИ ДАВРИ

Дала тадқиқотлари даври уч босқичдан иборат бўлади:

Биринчи босқич – калит майдонлари тупроқ қопламини доминант тупроқлар билан бирга ўрганиш, калит майдонлари тупроқ карталарини тузиш ва шу асосда учта экологик майдончаларнинг жойлашиш ўрни аниқланади, улардан бири стационар, қолганлари ярим стационар майдончалар ҳисобланади.

Иккинчи босқич – экологик майдончаларнинг дастлабки ҳолатини ўрганишни назарда тутади. Бу тадқиқотлар кўп йиллик режимли кузатувларнинг бирламчи базис нуқтаси бўлиши керак.

Учинчи босқич – тупроқ ва экологик кўрсаткичлар комплекслари бўйича кўп йиллик режимли кузатишлардан иборат.

Дала тадқиқот ишлари табиий-қишлоқ хўжалик шароитлари комплексида калит майдонлар жойларининг тўғри танланганлигини, уларнинг типик эканлигини аниқлаш мақсадида танланган ҳудудда кузатув тадқиқотларидан бошланади.

Калит майдонларини танлаш ва жойлаштириш хўжаликлар раҳбарлари ва Ер ресурслари ва давлат кадастри туман бошқармалари раҳбарлари билан келишилиб, майдонларни танлаш далолатномаси тузилади.

Калит майдонларида тупроқ съемкаси материаллари асосида майдони 1 гектардан кам бўлмаган камида учта қатъий экологик майдончалар (ЭМ) танланади, ЭМлардан бири стационар (СЭМ), қолган иккитаси ярим стационар экологик майдончалар (ЯСЭМ) ҳисобланади ва ундаги барча нуқталар шу жойдаги барқарор ориентирларга инструментал асосда боғланади, жойнинг расми чизилади.

Стационар экологик майдончаларда куйидагилар ўрганилади:

- а) тупроқнинг морфологик хоссалари;
- б) тупроқнинг сув-физикавий хоссалари;
- в) сизот сувларининг чуқурлиги ва минерализацияси;
- г) агротехник кўрсаткичлар;
- д) ўтказилган мелиоратив тадбирлар тавсифи;
- е) оғир металлар, захарли моддалар, пестицидлар, радионуклидлар қолдиқ миқдорлари концентрацияси ва бошқа кўрсаткичлар.

ЛАБАРАТОРИЯ – КАМЕРАЛ ИШЛАР

Лаборатория – камерал даврда лаборатория шароитида тупроқнинг агрофизик ва кимёвий хосса ва хусусиятлари мажмуаси аниқланади ва дала тадқиқотлари материаллари таҳлил қилинади.

Тадқиқот натижалари асосида тематик хариталар, харитограммалар, жадваллар ва диаграммалар илова қилинган ҳолда тезкор ҳисоботлар, маърузалар ва тавсиялар тузилади.

An aerial photograph of a wide, winding river flowing through a vast agricultural landscape. The river curves from the upper left towards the lower right. The surrounding land is divided into large, rectangular plots, some of which appear to be planted with crops like corn or soybeans. In the distance, there are small clusters of buildings and structures, likely farmsteads or small villages. The sky is a pale, clear blue. Overlaid on the center of the image is the text "Эътиборларингиз учун рахмат !" in a dark, elegant, cursive font.

*Эътиборларингиз учун
рахмат !*